

**“БЕШАРИҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

**Фарғона вилояти, Бешариқ тумани,  
Бешариқ шаҳри.**

**2024 йил 12 сентябр**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳри, “Бешариқ пахта тозалаш”АЖ маъмурий биноси.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар овозларнинг умумий сони - **4 323 140** дона.

“Бешариқ пахта тозалаш”АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 20 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2024 йил 6 сентябр.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Маннонов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуидагилар сайланди:

1. Б.Халилов - “Фарғонапахтасаноат” АЖ тутатиш комиссияси аъзоси;
2. А.Маннонов - Кузатув кенгаши аъзоси;
3. У.Абдуллаев - Акциядор

Йиғилиш раёсати аъзоси А.Маннонов малака ва тажрибага эга бўлган “Фарғонапахтасаноат” АЖ тутатиш комиссия Б.Халиловни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Д.Бердиев йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Б.Халилов ва йиғилиш котиби этиб Д.Бердиев сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Д.Бердиевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Кимматли қофозлар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2024 йил 6 сентябр ҳолатига шакллантирилган “Бешариқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **2167** та акциядорга тегишли **4 323 140** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий микдорда **3 086 560** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакилари) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **71,4 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Курбонов Пўлатжон Юнусалиевич - жамият бош директори;

Эсонов Саъдулла - бош хисобчи;

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

1. Умумий йиғилиш саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Умумий йиғилиш регламенти тасдиқлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармони ижроси тўғрисида.

4. Жамият Кузатув кенгашига янги кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

## КУН ТАРТИБИ:

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024 йил 20 августдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи - Д.Бердиев, жамият хукуқшуноси - У.Юсупвлар ҳамда жамият ходими Д.Бораталиева номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 3 086 560 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ;  
Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансан.

2. Уч кишидан иборат қўйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансан:

- 1) Д.Бердиев;
- 2) У.Юсупов;
- 3) Д.Бораталиева.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшилтириди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 4 та масала кўрсатилганлигини маъруза учун 30 (ўттиз) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 15 (ўн беш) дақиқа ҳамда саноқ комиссияси иши учун 15 (ўн беш) дақиқа, жами 60 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” - 3 086 560 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансан.

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** Йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича куйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида куйидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юкори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда - мулкий мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тутатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарорига асосан “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ (пахта тозалаш заводи) ва унга қарашли “Яқкатут” ва “Рапқон” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари “LYUKS YAN TEX” МЧЖга 1 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2023 йил 24 февралда тузилган 1 ва 2-сонли шартномаларга асосан баҳоланган қийматда **18 461,2 млн. сўмга** сотилган.

“LYUKS YAN TEX” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ **18 461,2 млн. сўм тўлиқ тўланган**.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига асосан, “Бешариқ пахта тозалаш” АЖга қарашли “Найманча”, “Оқжар”, “Мулкобод” ва “Пахтакор” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари “MUSAVARTEX” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2022 йил 21 июлда тузилган 8-сонли ва 2022 йил 13 сентябрда тузилган 10-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда **17 183,2 млн. сўмга** (КҚС билан) сотилган.

“MUSAVARTEX” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил холатига **3 786,9 млн. сўм ёки 22,03 фоизи тўланган**, қарздорлик **13 396,3 млн. сўмни**, жумладан муддати ўтган қарздорлик **3 679,5 млн. сўмни** ташкил этмоқда.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов ўз сўзида, “MUSAVARTEX” МЧЖ кластер корхонаси томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юкори қисми тўлангандан сўнг мурожаат қилинганда Фармонда белгиланган шартлар асосида кластер сотиб олган “Бешариқ пахта тозалаш” АЖга қарашли пахта қабул қилиш масканларини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат беришни ҳамда мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластер билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириши таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 240 168 та овоз; “Қаршилар”- 815 656 та овоз; “Бетарафлар”-йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йигилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ бош директори (П.Курбонов):

а) "MUSAVARTEX" МЧЖ кластери билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш бўйича қўшимча келишувлар тузсин;

б) "MUSAVARTEX" МЧЖ томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисмини тўлагандан сўнг мурожаат қилинганда “Бешариқ пахта тозалаш” АЖга қарашли пахта қабул қилиш масканларини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга қўйишга руҳсат берсин. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида сұғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик сұғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўtkазилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини саклаб қолиш шарти билан амалга оширилади.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи Б.Халилов ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича қўйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиялари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 78-моддасига кўра жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш жамият акциядорларининг умумий йигилишида амалга оширилиши белгиланган.

Жамият Кузатув кенгашининг бўшаб қолган аъзолигига қўйидаги таркибаги янги аъзолар номзодлари ўқиб эшитирилди.

1. Салиев Алишер Анварджанович Давактив агентлиги Фарғона вилояти худудий бошкармаси бошлиғи.

2. Мўминов Лазиз Ўрмонжонович - “Фарғонапахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси.

Йигилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 3 086 560 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.**

Амалдаги конунчилликка асосан ва жамият Уставига асосан жамият кузатув кенгаши таркибиға қўйидаги номзодлар таклиф этилди.

1. Салиев Алишер Анварджанович Давактив агентлиги Фаргона вилояти худудий бошкармаси бошлиғи.

2. Мўминов Лазиз Ўрмонжонович - “Фарғонапаҳтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси.

Юкоридагилардан келиб чикиб жамият Кузатув кенгаши таркибиға сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар буйича кумулятив овоз бериш тартиби акциядорларга тушинтирилиб, бюллетеңлари буйича овоз беришлари акциядорлардан суралди.

Ушбу масала юзасидан кумулятив овоз бериш натижалари:

Салиев Алишер Анварджанович	13 889 520
Мўминов Лазиз Ўрмонжонович	13 889 520

Кун тартибидаги туртинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қиласди.

**Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига куйидагилар сайлансин.**

1. Салиев Алишер Анварджанович Давактив агентлиги Фаргона вилояти худудий бошкармаси бошлиғи.

2. Мўминов Лазиз Ўрмонжонович - “Фарғонапаҳтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Халилов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчиллик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси: / Ф.Салиев /

Б.Халилов

Йиғилиш котиби: / Д.Бердиев /

Йиғилиш баённомаси 2024 йил \_\_\_\_ сентябр куни икки нусхада тузилди.